

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНING
АЖРИМИ**

№ 3-1401-1905/63-2019

2019 йил май ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят суди раисининг ўринбосари Ў.Мамадалиев, ҳайъат судьялари Б.Аликулов ва И.Хамидовлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Мелибоевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори Э.Султанов, судланувчи М.Дж, М.К. ва уларнинг ҳимоячилари-адвокатлар Ф.Рахматов ва Ҳ.Носиров, жабрланувчилар И.И., А.К. ва уларнинг ҳимоячиси-адвокат О.Тилиевларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 29 мартдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан судланган

Дж.М.М. 1966 йил 6 апрель куни Каттакўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2012 йил 11 сентябрдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186³-моддаси 2-қисми “б,г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45,59-моддалари тартибда 1 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида, яъни 12.584.000 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима тўлиқ тўланган, Самарқанд шаҳар “Қандиёр ота” МЧЖ директори лавозимида ишлайди, Пастдарғом тумани Жума шаҳри “Бобур” кўчаси 98-уйда рўйхатда туриб, Самарқанд шаҳар “Фарход” кўчаси 15-уй 19-хонада яшайди, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2019 йил 7 февраль куни, ҳукм нусхасини 2019 йил 5 апрель куни олган;

К.М.Н 1967 йил 2 март куни Пастдарғом туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, яқка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, Тайлоқ тумани “Боғизагон” кўчаси 5-уйда яшайди, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2019 йил 2 февраль куни, ҳукм нусхасини 2019 йил 5 апрель куни олганга,

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан Самарқанд вилоят прокурори томонидан билдирилган апелляция протести ҳамда судланувчи М.Дж, М.К. ва уларнинг ҳимоячиси-адвокат Ф.Р томонидан келтирилган апелляция шикоятларига асосан жиноят ишини апелляция тартибда кўриб чиқиб қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И :

М.Джга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари, яъни 59.910.000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибда М.Джни 2018 йил 14 декабрь кунидан 2018 йил 18 декабрь кунига қадар 5 кун дастлабки қамоқда сақланган ҳар бир куни, энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмига тенглаштирилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 баравари миқдорида, яъни 506.825 сўм жарима жазоси тўланган деб ҳисобланиб, ундириш учун 59.403.175 сўм жарима жазоси қолдирилган.

М.К.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари, яъни 59.910.000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибда М.К.ни 2018 йил 14 декабрь кунидан 2018 йил 18 декабрь кунига қадар 5 кун дастлабки қамоқда сақланган ҳар бир куни энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмига тенглаштирилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 баравари миқдорида, яъни 506.825 сўм жарима жазоси тўланган деб ҳисобланиб, ундириш учун 59.403.175 сўм жарима жазоси қолдирилган.

Суднинг ҳукмига қўра, судланувчи М.Дж ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, таниши М.К. билан бир гуруҳ бўлишиб, жиноий шериги орқали фуқаро И. И. Ини ишончига кириб, унга ўзи раҳбарлик қилиб келаётган Самарқанд шаҳрида жойлашган “Қандиёр-ота” МЧЖ томонидан хорижий давлатлардан харид қилиниб олиб келинаётган дори-дармон воситалари тўлови учун кўп миқдорда пул маблағларини кўшиб, унинг тадбиркорлик фаолиятига ёрдам қилса, берган пуллари фойдаси билан қайтариб беришни айтиб, бирга тадбиркорлик қилишга ишонтириб,

2016 йил март ойдан 2016 йил август ойининг охирларигача бўлган вақт оралигида Самарқанд шаҳрининг турли ҳудудларида ўзининг жияни М.А орқали бўлиб-бўлиб жами 120.000 АҚШ доллари, яъни Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига нисбатан 358.756.800 сўмга тенг бўлган жуда кўп миқдордаги пулларини қўлга киритиб, ўз ваъдасини бажармасдан, қўлга киритган ушбу пул маблағларни ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, М.Дж ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран ўзганинг мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, таниши М.К. билан бир гуруҳ бўлишиб, жиноий шериги орқали фуқаро К.А.А.ни ишончига кириб, унга ўзи раҳбарлик қилиб келаётган Самарқанд шаҳрида жойлашган “Кандиёр-ота” МЧЖ томонидан хорижий давлатлардан харид қилиниб олиб келинаётган дори-дармон воситалари тўлови учун кўп миқдорда пул маблағларини қўшиб, унинг тадбиркорлик фаолиятига ёрдам қилса, берган пулларини фойдаси билан қайтариб беришни айтиб, бирга тадбиркорлик қилишга ишонтириб, 2016 йил февраль ойдан 2017 йил февраль ойининг ўрталаригача бўлган вақт оралигида Самарқанд шаҳрининг турли ҳудудларида жиноий шериги М.К. ва ўзининг жияни М.А. орқали бўлиб-бўлиб, жами 330.000 АҚШ доллари пулларини олиб, шундан бир қисмига турли дори-дармон воситалари бериб, қолган 282.800 АҚШ доллари, яъни Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига нисбатан 931.752.472 сўмга тенг бўлган жуда кўп миқдордаги пулларини қўлга киритиб, ўз ваъдасини бажармасдан, қўлга киритган ушбу пул маблағларни ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Самарқанд вилоят прокурори томонидан билдирилган протестда, биринчи босқич суди судланувчилар М.Дж ва М.К.лар томонидан жабрланувчиларга етказилган моддий зарар қопланмаганлигини инобатга олмасдан енгил жазо тайинлаганлиги, шунингдек судланувчи М.Дж ва М.К.ларнинг тақиб қўйилган мулкларини етказилган зарарни қоплашга қаратишни муҳокама қилмаганлиги сабабли, суд ҳукмини ўзгартириб озоқликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоси тайинлаб, қонунга мувофиқлаштириш сўралган.

Судланувчи М.Дж, М.К. ва уларнинг ҳимоячиси-адвокат Ф.Рлар апелляция шикоятда, дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги, улар ўзганинг мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш жиноятини содир этишмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқариш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят судининг судьяси И.Хамидовнинг маърузасини, прокурор Э.Султановнинг апелляция протестини қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартириш, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги хулосаси, судланувчи М.Дж, М.К. ва уларнинг ҳимоячилари Ф.Р ҳамда Ҳ.Нларнинг апелляция шикоятини қувватлаб, уларни қаноатлантириш, билдирилган протестни рад қилиш ҳақидаги фикрлари, жабрланувчилар И.И., А.К. ва уларнинг ҳимоячиси-адвокат О.Тларни апелляция протестини қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартириш, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция протести ва шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини тузатиш киритиш йўли билан ўзгаришсиз қолдириб, билдирилган протестни қисман қаноатлантиришни, келтирилган шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланувчи М.Дж ва М.К.ларнинг суд ҳукмида баён қилинган айби, жабрланувчилар И.И. ҳамда А.К., гувоҳлар Ф.Р, Ф.Х ва А.Мларнинг кўрсатувлари, жабрланувчи А.К. ва И.И.ларнинг аризалари, А.К. томонидан М.Дждан пул олганлиги ҳақидаги тилхат нусхалари, тушунтириш хатлари, “Qandiyor ota” МЧЖнинг гувоҳнома ва низоми, 2018 йил 13 ноябрдаги А.К. ва И.И.лар томонидан ўз аризаларига илова қилинган сўзлашувлар ёзиб олинган CD-R дискни стенограмма қилиш тўғрисидаги баённомаси, 2018 йил 22 январь куни судланувчи М.Дж томонидан А.К.дан 330.000 АҚШ доллари олганлиги ҳақида ёзган тилхати, нарсани кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото суратлар, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи босқич суди томонидан судланувчи М.Дж ва М.К.ларнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Шикоятдаги, дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги ҳақидаги важлар билан келишиб бўлмайди.

Чунки, биринчи босқич суди Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши, судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги, суд ҳукмида, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкинлиги” ҳақида берилган раҳбарий тушунтиришларга қатъий амал қилган ҳолда жиноят ишида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, айблов ҳукми чиқариб қонуний тўхтамга келган.

Шунингдек шикоятдаги, судланувчи М.Дж ва М.К.лар ўзганинг мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш жиноятини содир этишмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги вазлари билан ҳам келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қарорининг 3-бандида, “Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни алдаш ёки ишончли суистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёнки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради” деб тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларига кўра, М.Дж жиний шериги М.К. билан бир гуруҳ бўлиб, фуқаро И.И. ва А.К.ларни ишончига кириб, уларга ўзи раҳбарлик қилиб келаётган Самарқанд шахрида жойлашган “Қандиёр-ота” МЧЖ томонидан хорижий давлатлардан харид қилиниб олиб келинаётган дори-дармон воситалари тўлови учун кўп миқдорда пул маблағларини қўшиб, унинг тадбиркорлик фаолиятига ёрдам қилса, берган пулларини фойдаси билан қайтариб беришни айтиб, бирга тадбиркорлик қилишга ишонтириб, 2016 йил март ойдан 2017 йил февраль ойининг ўрталаригача бўлган вақт оралиғида Самарқанд шахрининг турли ҳудудларида ўзининг жияни М.А орқали И.И.дан жами 120.000 АҚШ доллари, А.К.дан эса жами 330.000 АҚШ доллари пулларини олиб, шундан бир қисмига А.К.га турли дори-дармон воситаларини бериб, қолган 282.800 АҚШ долларини қўлга киритиб, ўз ваъдасини бажармасдан, қўлга киритган ушбу пул маблағларини ўзларининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишган.

Шу маънода, биринчи босқич суди судланувчи М.Дж ва М.К.ларни ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш жиноятини содир этганликда айбли деб топиб, қонуний тўхтама келган.

Протестдаги, биринчи босқич суди судланувчилар М.Дж ва М.К.лар томонидан жабрланувчиларга етказилган моддий зарар қопланмаганлигини инобатга олмасдан енгил жазо тайинлаганлиги сабабли, суд ҳукмини ўзгартириб озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазоси тайинлаш ҳақидаги вазлар билан келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли Қарорининг 9-бандида, “...Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра ЖК 167,168,170,184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши”;

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Қарорининг 10-бандида, “Жиноят объекти бўлган мол-мулк қийматини аниқлашда унинг мулкдор томонидан орттирилиши (сотиб олиниши) ҳолатларига қараб, жиноят содир этилган пайтдаги шартномавий, улгуржи, чакана, биржа ёки бозор нархидан келиб чиқиш лозимлиги” ҳақида тушунтиришлар берилган.

Биринчи босқич суди, судланувчи М.Дж ва М.К.ларга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда юқорида зикр этилган Пленум қарорларига амал қилган ҳолда уларнинг шахсини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи омилларини, жиноят оқибатида жабрланувчи И.И.га жиноят содир этилган вақтда 358.756.800 сўмга тенг бўлган 120.000 АҚШ доллари, жабрланувчи А.К.га эса 931.752.472 сўмга тенг бўлган 330.000 АҚШ доллари миқдоридаги дастлабки тергов органи томонидан айбловга қўйилган моддий зарарлар тергов жараёнида қопланганлигини инобатга олган ҳолда жарима тарикасидаги жазоларни тайинлаб, ҳукм чиқариш вақтидаги АҚШ валютасининг Ўзбекистон Республикаси миллий сўмига нисбатан қийматини судланувчи М.Дж ва М.К.лардан солидар тартибда жабрланувчи И.И. ва А.К.ларга ундиришни белгилаб қонуний, асосли ва адолатли тўхтама келган.

Бу ҳолатда, судланувчи М.Дж ва М.К.ларга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб бўлмайди.

Бирок, биринчи инстанция суди Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 290-моддасида “ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкни хатлаши шарт” деб кўрсатилган қонун талабига амал қилмасдан жиноят иши бўйича судланувчи М.Дж ва М.К.ларнинг банд солинган мол-мулкни хатлаш чораларини муҳокама қилмасдан хатоликка йўл қўйган.

Судлов ҳайъати, жиноят иши бўйича судланувчи М.Дж номига рўйхатга олинган, “ТОУОТА САМРУ” русумли, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 G 029 АА бўлган транспорт воситасига банд солинганлиги сабабли етказилган моддий зарарни ундиришга қаратишни, судланувчи М.К. номига расмийлаштирилган мол-мулкларга нисбатан Мажбурий ижро бюроси Самарқанд вилояти Тайлоқ туман бўлимининг 2019 йил 12 апрелдаги 515-19-сонли хатига асосан банд солинганлигини сабабли, ушбу қисмини муҳокамадан қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати, суд ҳукмини тузатиш киритиш йўли билан ўзгартиришсиз қолдиришни, судланувчи М.Дж номига рўйхатга олинган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 G 029 AA бўлган, “TOYOTA CAMRY” русумли авторанспорт воситасини етказилган моддий зарарни ундиришга қаратишликни, билдирилган апелляция протестини қисман қаноатлантириб, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 490, 496, 497¹³ ва 497¹⁸-моддаларини қўллаб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати;

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 29 мартдаги судланувчи Дж М. М. ва К.М.Н. га нисбатан чиқарган ҳукми тузатиш киритиш йўли билан ўзгаришсиз қолдирилсин.

М.Дж номига рўйхатга олинган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 G 029 AA бўлган, “TOYOTA CAMRY” русумли авторанспорт воситаси етказилган моддий зарарни ундиришга қаратилсин.

Апелляция протести қисман қаноатлантирилиб, апелляция шикоятлари қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

Раислик қилувчи:	(имзо)	Ў.Мамадалиев
Ҳайъат судьялари:	(имзо)	Б.Алиқулов
Аслига тўғри:	(имзо)	И.Хамидов